Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 27 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 231 (13.294)

Баҳоси эркин нархда

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 26 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимуҳамедовни Туркманистон мустақиллигининг 25 йиллик шонли санаси муносабати билан чин қалбдан самимий табриклаб, унга давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятига янги муваффақиятлар, дўст туркман халқига фаровонлик ва бардавом тараққиёт тилади.

Ўз навбатида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов самимий қутловлар учун чуқур миннатдорлик билдириб, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, осойишталик ва равнақ тилаган шахсий истакларини изҳор этди.

Суҳбат чоғида тарихан қисқа вақт ичида Туркманистон кенг кўламли социал-иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг пухта ўйланган стратегиясини амалга оширгани туфайли истеъдодли ва меҳнатсевар туркман халқи фаровонлигини муттасил юксалтириш, маънавий янгиланиш, шунингдек, халқаро майдонда мамлакат нуфузини ошириш борасида салмоқли ютуқ ва марраларга эришгани таъкидланди.

Халқларимизни кўп асрлик самимий дўстлик ва қардошлик, яқин қўшничилик ришталари, муштарак анъана, урф-одат ва маданий қадриятлар боғлаб туради. Бу узоқ муддатли, кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун мустаҳкам ва барқарор асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарлари яқинда турли даражада ўтказилган икки томонлама учрашувлар доирасида сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари бўйича эришилган келишувлар ижроси қандай бораётгани хусусида фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Туркманистон дўст халқларимиз фаровонлиги, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида кенг кўламли ўзаро ҳамкорликни ҳамда долзарб халқаро масалалар юзасидан амалий, ишончли ва очиқ мулоқотни изчил давом эттиришга тайёрлигини билдирдилар.

ЎзА

ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

2016 йил 26 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев ўртасида Қирғизистон томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари тўғрисида атрофлича фикр алмашиб, ўзаро муносабатларнинг бир қатор асосий йўналишларида ижобий ўзгаришлар юз бераётганини алоҳида қайд этдилар.

Мулоқот чоғида таъкидланганидек, Фарғона водийсининг чегарадош вилоятлари раҳбарлари ва кенг жамоатчилиги иштирокида Андижон ва Ўш шаҳарларида ўтган Ўзбекистон ҳамда Қирғизистоннинг нуфузли делегациялари учрашувлари кўп асрлик анъанавий дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини, халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон – Қирғизистон давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш бўйича икки мамлакат ваколатли органлари биргаликда олиб бораётган ишларнинг муваффақиятли якунланишидан томонлар бирдек манфаатдор эканини таъкидладилар.

Давлат раҳбарлари томонларни қизиқтирган қатор минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Қирғизистон раҳбарлари қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида кўп қиррали ва узоқ муддатли муносабатларни, минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликни янада мустаҳкамлаш мақсадида бундан буён ҳам турли даражадаги ўзаро алоқаларни давом эттириш ва рағбатлантиришга келишиб олдилар.

ЎзА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

КОРХОНАЛАР САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Пойтахтимизда X Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси давом этмоқда



“Фаолият юритаётганимизга ўн йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Ўтган йиллар давомида лизингга бир нечта ҳайдов трактори, тиркамалар олдик. Бугунги ярмаркада “Ўзмашлизинг” орқали “New Holland TD5.110” русумли тракторни олиш учун йиллик 4,5 фоизли устама билан ўн йилга шартнома туздик. Ўтказилаётган бундай тадбирлар биз учун ниҳоятда фойдали бўлаётир”.

Бу Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида 2017 йил учун шартнома тузган Бекобод туманидаги “Навбаҳор адирлари” фермер хўжалиги раҳбари Адҳам Рўзибековнинг сўзлари.

– Ярмарка компаниямиз ва тизимдаги “Ўзмашлизинг” шўъба корхонаси учун самарали кечмоқда, – дейди “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси бўлим бошлиғи Фахриддин Ҳожиев. – Ҳозиргача фермер ва тадбиркорлар билан 20 дан ортиқ шартнома имзоладик. Айни вақтда уларга лизинг асосида харид қилиш учун етмишдан зиёд турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси таклиф этилмоқда. Юртимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари ва заводлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш учун 218 миллиард сўмлик шартнома имзолашни режалаштирганмиз.

Саноат ярмаркасида “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналар ҳам фаол иштирок этмоқда. Жамиятда 2020 йилгача 40 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш орқали мамлакатимизда энергетика салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, тармоқ корхоналарини модернизациялаш, энергия ресурсларини тежаш чоралари кўрилади.

(Давоми 2-бетда)

БОШ ВАЗИРНИНГ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ:

ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

Тошкент вилояти, Янгийўл туманида яшовчи Ҳикоят Раҳимқулованинг ўғли 1-гуруҳ ногирони бўлиб, хасталикдан азоб чекади. Шифокорлардан фарзандини Ҳиндистонда жарроҳлик амалиёти ўтказиб даволаш мумкинлигини билгач, харажатлар учун керак бўладиган хорижий валютани банкдан олиш ҳаракатига тушди. Ёрдам сўраб қилган мурожаатига “Асака” акциядорлик тижорат банки Тошкент вилояти филиали томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Мазкур мурожаат жорий йилнинг 26 сентябридан буён Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг ҳудудий ташкилотларида фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси орқали қабул қилинган эди.

Партиянинг барча ҳудудий ташкилотларидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси юқори тезликдаги интернет, турли алоқа воситалари, компьютер ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган.

– Келаётган мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 сентябрдаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тубдан такомиллаштириш бўйича йиғилиши баёни билан тасдиқланган тартибда кўриб чиқилмоқда, – дейди ЎзЛиДеПнинг Тошкент вилояти кенгашидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси ҳуқуқшуноси Санжар Эвадиллаев. – Изчиллик билан амалга оширилаётган жараённинг биринчи босқичида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатини масъул ходим қабул қилиб, ахборот тизимига киритади. Иккинчи босқичда махсус ишчи гуруҳи ўргангач, тегишли вазирлик, идора ва ҳокимликларга мурожаат қилинмоқда.

Учинчи босқичда мурожаатлар вазирлик, идора ва ҳокимият органларида қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқилиб, кўтарилган масалалар ҳал этилмоқда. Бу ҳақда pm.gov.uz орқали ёки ёзма равишда тасдиқ олинади.

Тўртинчи босқичда ишчи гуруҳи томонидан икки иш кунида тегишли вазирлик, идора ва ҳокимликларнинг мурожаатларда кўрсатилган масалаларни ҳал этиш натижалари тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилади. Агарда муаммо юзасидан қониқарсиз қарор қабул қилинган бўлса, ариза Бош прокуратуранинг ахборот тизимига аризаларни кўриб чиқиш бўйича йўналтирилади.

ЎзЛиДеП қабулхонаси орқали ҳозирга қадар 1,8 мингдан зиёд мурожаат келиб тушди. Уларнинг 40 фоизи прописка, биопаспорт олиш ва фуқаролик масалаларига тааллуқли. Маълум қисмини содир этилган ўғирлик, фирибгарлик ҳолатлари, шунингдек, тергов ҳаракатларини амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар, ички ишлар органларига ишга кириш ва қайта тиклаш, банклардан сармоя олиш ва шу каби масалалар ташкил этаётир.

Айни вақтда мурожаатларнинг 1 минг 480 таси кўриб чиқиш жараёнида бўлса, 320 мурожаат юзасидан тушунтириш берилган. Қатор жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўлиқ қаноатлантирилган. Мисол учун, Қашқадарё вилояти, Косон туманида яшовчи фуқаро А.Асадовнинг “Qarshi Grand Tour” масъулияти чекланган жамиятига меҳмонхона фаолиятини ташкил этиш мақсадида инвентар ва жиҳозлар сотиб олиш учун йирик суммада узоқ муддатли кредит ажратиш масаласидаги қилган мурожаати ижобий ҳал этилди. Тошкент вилояти, Оҳангарон туманида яшовчи фуқаро Т.Одиловнинг фермер хўжалигига тегишли ер майдони туман ҳокимлиги томонидан ноқонуний олиб қўйилганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати Тошкент вилояти прокуратураси томонидан кўриб чиқилиб, қаноатлантирилган.

Бу мисоллар Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келаётган ҳар бир мурожаат қатъий назоратга олинганидан, уларда кўтарилган масалалар тезда ечим топаётганидан далолатдир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Мамлакатимизнинг Корея Республикасидаги элчихонаси томонидан “Корея – Ўзбекистон” дўстлик ассоциацияси билан ҳамкорликда шу йилнинг 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Президенти сайловига бағишланган тақдимот маросими ўтказилди. Унда Жанубий Кореянинг сиёсий, академик ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди.

4 декабрь – сайлов куни

“ЎЗБЕКИСТОН ЭРКИН ВА АДОЛАТЛИ САЙЛОВЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА КАТТА ТАЖРИБАГА ЭГА”

Тадбирда иштирокчилар эътиборига тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлида эришган муваффақиятларимиз тақдимоти ҳавола қилинди.

Тақдимотга ташриф буюрганлар Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ҳамда Марказий сайлов комиссияси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Қайд этилганидек, мамлакатимизда сиёсий ва ҳуқуқий тизим изчил модернизация қилиниши натижасида замонавий демократия тамойилларига жавоб берадиган ҳамда фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини кафолатлайдиган миллий сайлов тизими яратилди. Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатнинг бундан кейинги демократик ўзгаришлари йўлида ҳам муҳим ўрин тутишини алоҳида қайд этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлат раҳбари лавозимига номзодларнинг барчасига оммавий ахборот воситалари орқали ҳамда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш йўли билан ўзларининг сайловолди дастурларини жамоатчиликка етказиш юзасидан тенг имкониятлар берилишини кўрсатиб ўтишди. Таъкидланганидек, сайлов жараёнининг шаффофлиги, очиқлиги ва ошкоралиги таъминланишида халқаро ва хорижлик кузатувчилар ҳамда журналистлар фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманидаги 459-Оқмачит сайлов участкасида ўтказилган семинар-тренинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланди.

● Нукус тиббиёт коллежида жойлашган 16-сайлов участкасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тайёргарлик жараёнига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган тадбирда участка сайлов комиссиялари раислари, котиблари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари маслаҳатчилари иштирок этди.

● Самарқандда “Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ҳудудлар миқёсида фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб масалалари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратура томонидан БМТ Тараққиёт дастури, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ва Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

● Навоийда “Камалак” юлдузлари” республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Фестивалда 10 нафар ёш истеъдод соҳиби турли йўналишлар бўйича ғолиб бўлди. Тадбир доирасида навқирон авлод вакилларининг тасвирий ва амалий санъат асарлари, халқ ҳунармандлиги буюмлари кўргазмаси ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Бирлашган Араб Амирликлари ички ишлар вазирлиги томонидан Дубайда келгуси йили илк робот полициячининг синовдан ўтказилиши маълум қилинди. Полициячиларнинг роботлар билан ўрин алмашиши қонун ва тартиблар жамиятнинг барча қатлами учун бирдек тегишли эканини таъминлашга қаратилгандир. Мутахассислар ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимига айланган роботлар худди инсон сингари мураккаб вазиятларда ҳам тўғри қарор чиқариб, фуқароларга хизмат кўрсата олиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

● Забивака исмли бўри Россияда 2018 йилда футбол бўйича бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатининг расмий тимсолига айланди. Танлов финалида Мушук, Амур Йўлбарси ва Бўри ўзаро беллашиб, Забивака 52,8 фоиз овоз жамғарган ҳолда ғолиб чиқди.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Маълумки, Ўзбекистон инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шунинг учун ҳам Асосий Қонунимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши қайд этилган.

Шу маънода жорий йил 21 октябрда матбуотда эълон қилинган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони инсоннинг олий қадрият эканлигига хизмат қилади ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, асосий устувор йўналишларни ҳамда уларни амалга ошириш бўйича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифаларини белгилаб берди.

Мазкур ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан қабул қилинганида ҳам ўзига хос маъно мужассам. Чунки, Конституциямизнинг 93-моддасига асосан Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир.

Фармон билан Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатга кўра ушбу соҳадаги дастлабки асосий устувор йўналиш, бу – суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашдир. Мустақиллик, бу ташқи таъсирдан эркин бўлишни англатиб, суд органларининг ҳар қандай таъсирдан холи эканлигини билдиради. Мазкур талаб ҳокимиятлар бўлиниши демократик принципининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам Конституциямизга асосан Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Судьялар мустақилдирлар, улар фақат қонунга бўйсунадилар.

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Халқаро ҳужжатларда суд мустақиллигининг асосан тўртта элементи ажратиб кўрсатилади: ваколат муддати, ташқи таъсирга қарши кафолатларнинг мавжудлиги (хусусан бюджет масалаларида), суд органларининг мустақил ва холис орган сифатида қабул қилиниши.

Фармонда бу йўналишда судьялар ваколат муддатининг биринчи маротаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш)га оид таклиф ҳам жуда муҳим бўлиб, малакали, юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатларга эга судьялар сараланиб, ваколат муддати ошиб боришини таъминлайди ҳамда охир-оқибатда муддатсиз бўлиши – уларнинг мустақиллигини янада оширишга хизмат қилади. Кўпгина халқаро ҳужжатларда ҳам бундай тажриба ижобий ҳолат сифатида эътироф этилади.

Судьялар мустақиллигини таъминлашга оид халқаро стандартларда бошқа органларнинг, хусусан ижро ҳокимияти органларининг суд органларига таъсирини чеклаш бўйича нормалар назарда тутилган. Бунда жумладан, судлар фаолиятининг муҳим жиҳати бўлган – молиявий, моддий-техник мустақилликка катта эътибор берилади.

Шу маънода, ижро ҳокимияти органи бўлган адлия органларининг умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича вазифа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилишига оид нормалар айни муддао бўлди. Бунинг суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органларининг билвосита таъсиридан чиқариш имконини беришини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу чоралар судларнинг мустақиллиги, холислиги, объективлиги ва уларнинг фаолиятига аралашмасликнинг қўшимча кафолатларини яратади.

Бундан ташқари Фармонда суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига оғишмай амал қилинишини таъминлаш суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифалари сифатида белгиланди.

Мазкур ҳужжатда бежизга суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари ичида биринчи этиб белгиланмаган. Чунки Фармон муқаддимасида кўрсатилган жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, одил судловга эришиш даражасини оширишни мустақил суд ҳокимиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Европа Кенгашининг Венеция Комиссияси жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш – ҳар бир фуқаро қонунга асосан ҳокимиятга эга бўлган ҳар қандай шахслар томонидан ўзига нисбатан муносиб, тенг ҳуқуқли ва оқилона муносабатда бўлиш ҳуқуқига эгалиги, шунингдек, уларнинг қарорларини мустақил ва холис судларда адолатли суд муҳокамаси доирасида низолашиш имкониятига эга бўлган аниқ, барқарор ҳуқуқий тизим тушунилади.

Ўз-ўзидан маълумки, бундай юксак мақомга эга бўлган органда ишлаш ўзига хос масъулиятни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам Фармонда юксак ахлоқий-иродавий ва касбий фазилатларга эга, юклатилган вазифалар ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали бажарилишини таъминлашга қодир бўлган кадрларни шаффоф танлов асосида ишга қабул қилиш, суд-прокурор ходимлари малакасини ошириш ва раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш белгиланди.

Фармонда белгиланган асосий устувор йўналишлардан иккинчиси – бу, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ҳисобланади. Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқни белгилаш, агарда уларни амалга оширишнинг реал кафолатлари таъминланмаса, қуруқ гап бўлиб қолиши мумкин. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг турли кафолатлари мавжуд. Ҳуқуқий кафолатларнинг энг муҳими бу – шахснинг суд орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқини таъминлашдир. Бу борада муҳим қадам Фармонга кўра, фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва хўжалик судларининг ваколатларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий судларни ташкил этиш ҳисобланади. Маъмурий судлар бутун дунёда давлат бошқаруви органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаттиҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлиги устидан суд назоратини таъминлашнинг энг демократик механизми ҳисобланади. Давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятларни маъмурий суд томонидан ҳал этилишининг бир қатор ижобий жиҳатлари мавжуд бўлиб, шикоятларнинг холис, бетараф орган, қатъий белгиланган процессуал тартиб-қоидалар асосида ошкора, тортишувчилик тамойиллари асосида кўрилиши, судда мурожаат этувчига ўз манфаатини ҳимоя қилиш учун далиллар тақдим қилишга қулай шароит яратиб берилиши, маъмурий судда қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш механизмларининг қатъий белгиланганлиги, суд томонидан қабул қилинган қарор ижросини таъминлашнинг қатъий тартиб-таомиллари мавжудлиги шулар жумласидандир.

Ушбу ҳужжатда мустаҳкамланган судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш муддатлари ва асосларини қайта кўриб чиқиш, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилганда муқобил эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқини судларга бериш вазифалари ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади.

Фармонда жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, улардан бири, бу – озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашни кенгайтириш орқали қамоқ тариқасидаги жиноий жазони тугатишдир. Амалдаги Жиноят кодексининг 48-моддасига асосан қамоқ – шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади. Қамоқ жазосида бошқа жазо турларига нисбатан режим қаттиқ бўлиб, маҳкумларга учрашувлар, телефон орқали сўзлашувлар, посилкалар олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш рухсат этилмайди. Мазкур жазони тугатиш ҳам инсонпарварликнинг яққол ифодаси ҳисобланади. Ушбу жазони тугатиш маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахсларнинг янги жиноят содир этишининг олдини олишга тўсқинлик қилмайди.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилди. Бу борада Фармон билан "Хабеас корпус" институтининг кенгайтирилишига оид норма, яъни почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид вазифа инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги принципиал қадам бўлди. Чунки, Конституциямизга кўра фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Шу маънода Фармондаги нормаларнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб, дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш, энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

Жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддатини 72 соатдан 48 соатга қисқартириш, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек, дастлабки тергов-нинг энг кўп муддатини 1 йилдан 7 ойга қисқартириш, ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноят таркибларини жиноят тоифасидан чиқариш, мамлакатимизда жиноий-ҳуқуқий соҳани либераллаштиришнинг мантиқий давомидир. Бошига иш тушган фуқаро ва айниқса унинг орқасида турган яқин қариндошлари учун мазкур Фармонда қисқартирилиши назарда тутилаётган ҳар бир соат, кун, ой қадрлидир. Шу маънода мазкур ҳужжатнинг келажакда минглаб фуқароларга таъсир қилиши уларнинг ғам-қайғуларини енгиллатишга хизмат қилади.

Фармондаги томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини кенгайтиришга оид вазифа мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига ҳамоҳангдир. Қолаверса, жиноят қонунчилигига ушбу институтнинг киритилганлиги жиноят қонунчилигини эркинлаштиришда самарали восита бўлганлигини ўтган вақт ҳам кўрсатмоқда. У жорий этилгандан буён ўтган давр ичида 184 минг нафарга яқин фуқаронинг жиноий жавобгарликдан озод этилганлиги ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Айни чоғда биз мазкур минглаб фуқароларнинг фарзандлари, ота-оналари ва бошқа қариндошларини бу институтни қўллаш орқали оғир мусибатдан енгил тортганларини тасаввуримизга келтирсак, унинг таъсирини яққол хис қилишимиз мумкин. Айни чоғда 60 та жиноят таркиби бўйича бу институтнинг қўлланилаётгани унинг кўлами ва аҳамиятидан яққол дарак бериб турибди.

Мазкур институт жабрланувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, судланганлик ҳолатини камайтириш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг кенгроқ қўлланишига имкон яратди. Ушбу институт орқали унинг фарзандлари тақдирига ҳам таъсир ўтказадиган оқибатларини бартараф қилиш имконияти яратилди. Ярашув институти айбга иқрор бўлишни рағбатлантириб, ортиқча суд-тергов ҳаракатларининг олдини олади. Тарафларга ҳам қулайлик яратиб, тергов органлари ва судларга узоқ муддат давомида қатнашларга барҳам берилади.

Фармонда шунингдек, одил судловнинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш амалиётидан воз кечишга оид норма белгиланди. Бунинг ўрнига терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳокамаси жараёнида тўлдириш механизмлари жорий этилади. Қўшимча терговга қайтариш институтининг бекор бўлиши ишларнинг судларда яна холисроқ кўриб чиқилишига, бу эса пировардида келажакда оқлов ҳукмларининг кўпайишига олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Фармонда кўрсатилган вазифалар инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлигини яна бир бор исбот этиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
юридик фанлар номзоди, доцент

"ЎЗБЕКИСТОН ЭРКИН ВА АДОЛАТЛИ САЙЛОВЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДА КАТТА ТАЖРИБАГА ЭГА"

(Давоми. Боши 1-бетда)

"Корея – Ўзбекистон" дўстлик ассоциацияси раиси, "Shindon Enercom" компанияси президенти Ким Юн Сук тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон нафақат ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда, балки давлатнинг демократик асосларини мустаҳкамлаш борасида ҳам салмоқли муваффақиятларга эришганини қайд этди.

— Республикада халқаро андозаларга тўла мос бўлган миллий сайлов тизими шаклланган, — деди у. — Кўпгина мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда Марказий сайлов комиссияси доимий равишда фаолият кўрсатадиган конституциявий орган ҳисобланади. Бу сайлов жараёнини демократия тамойиллари асосида ташкил этиш учун улкан имкониятларни беради. Мен Ўзбекистондаги парламент ва Президент сайловиларида кузатувчи сифатида қатнашиш имкониятига эга бўлганман ҳамда шу боисдан ҳам улар умумэътироф этилган меъёрларга тўла мос келишига гувоҳ бўлганман. Ишончим комилки, бўлажак Президент сайлови мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Конкук университети профессори Жун Сун Хван ушбу тақдимот маросими чоғида Ўзбекистон Президенти сайловининг аҳамияти билан боғлиқ фойдали маълумотлар олишга муваффақ бўлганини айтди. Унинг эътироф этишича, мустақил тараққиёт йиллари давомида Ўзбекистонда эркин ва адолатли сайловларнинг қонуний асосларини яратиш ҳамда уларни ривожлантириш бўйича катта амалий тажриба тўпланган. У ривожланган демократик давлатлардаги андозаларга тўла мос келади.

Ўз навбатида, **"Юидо" университети сиёсий маслаҳатлашув кенгаши раиси Бэй Сок Нинг** ҳам мамлакатимизда мустаҳкам сайлов қонунчилиги шаклланган ва у сайловларни ўтказиш бўйича бой амалий тажрибага асосланганини таъкидлади. "Бундан ташқари, мамлакатда рўй берган демократик ўзгаришлар натижасида фуқароларнинг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалгани ҳам кузатилмоқда" деди у.

"Жаҳон" АА.
Сеул

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг
ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ 2015 ЙИЛ 25 ДЕКАБРДАГИ "ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА 2016 ЙИЛ УЧУН МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ 76/9-5-СОНЛИ ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 23 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида" 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли қарорига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги ПҚ-2610-сонли ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2016 й., 3 октябрь, 39-сон, 459-модда) қарори ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2015 йил 25 декабрдаги "Тошкент шаҳри бўйича 2016 йил учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари тўғрисида"ги 76/9-5-сонли қарори иловасининг "****" изоҳи (ҳаволаси) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"***Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотлар сотиш ҳуқуқи учун йиғим ягона ҳисоблашга келиб тушади, кейинчалик маблағлар бюджет ҳамда Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш департаменти ўртасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда тақсимланади.

Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим тўлиқ бюджет ҳисобига ўтказилади".

2. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти ҳамда туман ҳокимликларига 2016 йил маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкаларига киритилган ўзгартириш солиқ тўловчилар эътиборига етказилиши ва ижро этилишини таъминлаш топширилсин.

3. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н.Хусанов зиммасига юклансин.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси
Р. Усманов

Тошкент шаҳри,
2016 йил 18 октябрь

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий база яратилган. Ўзбекистон 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Коррупцияга қарши" конвенциясини ратификация қилган. 2010 йилда Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракат режасига қўшилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси шу йўналишда муҳим қадамлардан бири бўлди. Қонун келгусида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Унда давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш чоратадбирларининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, жамият ҳаётининг барча соҳаларида бундай ҳолатга тўлиқ барҳам бериш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали коррупциянинг барча кўринишларига нисбатан муросасизлик муҳитини яратишга эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳасининг иккинчи ўқишга тайёрланаётган нормалари муҳокамасига бағишланган тадбирда шулар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази билан хамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, суд, прокуратура ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Д.Абдуқодиров, Юристлар малакасини ошириш маркази директори А.Гафуров ва бошқалар кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуришда коррупцияга қарши курашишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Бунга фақат қонун устуворлиги, фуқаролар, ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг қонун олдида тенглигини таъминлаш орқали эришилади.

Жорий йил 20 октябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида "коррупция", "коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик", "коррупцияга карши курашиш", "манфаатлар тўқнашуви" каби тушунчаларга аниқ ва тўлиқ таъриф берилган. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатлари алоҳида нормалар сифатида белгиланган, уларнинг бу соҳадаги фаолиятлари мувофиқлаштирилади.

Қонун лойиҳаси муҳокамаси давомида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек, фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолияти шакллари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири



А.АБДУЛЛАЕВ олган суратлар

КОРХОНАЛАР САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Амалга ошириладиган бундай янгиланишлар жамият таркибидаги ўнлаб корхоналарнинг стендларида ҳам ўз аксини топган. Мисол учун, "Куёш иссиқлик энергияси" қўшма корхонаси қуёш энергиясида ишлайдиган сув иситиш тизимларини, "Электр қувват қурилмалари" қўшма корхонаси паст қувватда ишловчи ўчиргичлар, "Электртармоққурилиш" корхонаси юқори кучланишли электр узатиш линиялари, металл конструкциялар, "Савдоэнерго" корхонаси электр энергетикаси тизими ходимлари учун махсус кийимлар таклиф қилаётир.

– Ярмаркада тармоқ ва тармоқлараро ҳамкорлик бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш имконига эга бўлмоқдамиз, – дейди ЎзА мухбирига "Ёрқин чироқлар" қўшма корхонаси бош директори Хайрулло Атамбоев. – Жанубий кореялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган корхонамизда йилига 2,5 миллион дона тежамкор электр лампа ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. 2015 йилда икки хил ёритгич чироқлари тайёрлаган бўлсак, жорий йилда етти хил чироқ ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Келгуси йилда ёритгич ва чироқлар турини ўнтага етказишни режалаштирганмиз.

Ярмарканинг учинчи кунида "Ўзбекэнерго", "Ўзбеккўмир", "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамиятлари, "Ўзагромашсервис" уюшмаси, "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари корхоналарининг тақдимотлари бўлиб ўтди.

Реклама ўрнида

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Юртимиз истиқлолининг дастлабки кунлариданоқ ислоҳотлар жараёнида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни экспорт қилишга, банк-молия соҳасини шакллантиришга жуда катта эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт, импорт ва носавдо операциялари борасида халқаро ҳисоб-китобларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси томонидан хорижий валютада берилаётган ва олинаётган давлатлараро қарзлар ҳамда кредитлар бўйича хизмат кўрсатиш, улар юзасидан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ҳукуматлараро битимларнинг тўлов шартларини ишлаб чиқишда қатнашиш, экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш мақсадида хорижий валютада кредитлар бериш, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш тугал циклини бажарувчи илғор технологияларни республикага жалб этиш ҳамда саноат корхоналарини замонавий ускуналар асосида технологик янгилаш ва модернизация қилиш, иш ўринлари барпо этилишида ёрдам берадиган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, республикамизда ишлаб чиқилган маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқиш билан боғлиқ лойиҳалар ҳамда дастурларни кредитлаш, МДҲга аъзо ва хорижий давлатларнинг банклари билан тўғридан тўғри вакиллик муносабатлари ўрнатиш, инновацион фаолият билан шуғулланиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш банкнинг асосий вазифалари сифатида белгиланди.

Жорий йилда "Ўзмиллийбанк"да ҳисоб рақамига эга экспортёр корхоналар сони 772 тага етди. Уларнинг экспорт кўрсаткичи 1 млрд. 374 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, шундан 261.2 миллион АҚШ доллари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобига тўғри келади. Бу эса истиқлол йилларида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган белги билан муҳрланган маҳсулотлар жаҳон бозорларида кўпайиб бораётганидан далолат беради.

Шунингдек, "Ўзмиллийбанк" ҳузурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилган бўлиб, мазкур жамғарма томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермер хўжаликларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга замонавий, рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ҳамда ташкилий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотини четга экспорт қилувчи тадбиркорларни ташқи бозор конъюнктураси ўзгаришлари хавф-хатарларидан ишончли ҳимоя қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Айтиш керакки, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўз филиалларига эга бўлган мазкур жамғарма тадбиркорларнинг халқаро кўргазма ва ярмаркаларда, бизнес-форум ва кооперацион биржаларда иштирок этишида, чет эллик ҳамкорлар топиши ва шартномалар тузишида, хорижий давлатлар қонунчилигига мувофиқ лицензия ва сертификатлар, бошқа рухсатномалар олишида ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатмоқда. Жамғарма томонидан юздан ортиқ хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ўз маҳсулотларини экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур жамғарма жорий йилнинг 9 ойида икки мингдан зиёд тадбиркорлик субъектларига маҳсулот ва хизматларни экспорт қилишда ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий хизматлар кўрсатди. Амалга оширилган ишлар натижасида умумий қиймати 2 млрд. 184 млн. АҚШ долларига тенг экспорт шартномалари имзоланиб, улар доирасида 422 та тадбиркор 1 млрд. 043 млн. АҚШ долларлик экспортни амалга оширди. Ўтган йилнинг мазкур даврига таққослаганда жамғарма кўмагидан фойдаланган тадбиркорлар сони 354 та ёки 20 фоизга ошган бўлса, жамғарма кўмагида амалга оширилган экспорт ҳажми 6 фоизга ёки 61 миллион долларга кўпайди.

Албатта, жамғарма фаолиятининг кенгайишида давлатимиз Биринчи Президентининг 2016 йил 16 мартдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ, жамғарма устав капитали 5,3 миллиард сўмдан 10 миллиард сўм ва икки миллион долларга оширилди ҳамда хорижий давлатларда ўз ваколатхоналарини очиш ҳуқуқи берилди. Жамғарма хизматлари учун тўланадиган комиссия тўловлари 3 фоиздан 1 фоизгача камайтирилди.

Жамғармага берилган бундай янги имкониятлар тадбиркорларга янада кенгроқ молиявий кўмак кўрсатишга хизмат қилмоқда.

– Мамлакатимизда тадбиркорларнинг экспортини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар тарафлама кўмак беришга жуда катта эътибор қаратилмоқда, – дейди "Азия агрофрукт" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳусанжон Ғиёсов. – Бу эса юртимиз экспорт салоҳиятининг ортишида муҳим аҳамият касб этади. Қаратилаётган эътибор ва кўрсатилаётган кўмак биз тадбиркорларни хурсанд қилади, албатта. Жамғарма кўмагидан фойдаланган ҳолда Россия Федерациясига 300 минг АҚШ долларидан кўпроқ миқдордаги мевасабзавот маҳсулотларини экспорт қилишга эришдик. Кейинги фаолиятимизда ҳам жамғарма билан яқиндан ҳамкорликни давом эттириш ниятидамиз.



